

Qishloq hayoti

2014 йил Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2014-ЙИЛ 6-НОЯБР, ПАЙШАНБА, 132 (8369)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНING 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, темир йўл транспорти тизимини замон талаблари асосида ривожлантириш, соҳадаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

Республикаимиз темир йўл транспорти тизимидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, тармоқнинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш, соҳага илғор технологияларни жорий қилиш ҳамда янги темир йўлларни барпо этиш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун куйидагилар мукофотлансин:

**«ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ
КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ
ХОДИМИ»**

Жўраев Олим Авлаевич – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қарши темир йўл таъмирлаш корхонаси кран машинисти, Қашқадарё вилояти

Изенов Жиенбай Жанабаевич – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Кўнғирот локомотив депоси тепловоз машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Раззоқов Отаназар Мамаатович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 17-йўл қурилиши машина станцияси йўл таъмирловчиси, Бухоро вилояти

Салиев Хикматилло Насирович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг алоқа ва сигналлаштириш маркази бош муҳандиси

**«ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ
КЎРСАТГАН САНОАТ
ХОДИМИ»**

Муминов Сабир Каримович – «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Қуюв-механика заводи» шўба корхонаси қуюв цехи эритувчиси, Тошкент шаҳри

Назиров Орифжон Халимович – «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Анджон механика заводи» шўба корхонаси цех бошлиғи, Анджон вилояти

**«ФИДОКОРОНА
ХИЗМАТЛАРИ УЧУН
ОРДЕНИ БИЛАН**

Алимов Забибулло Махмуджонович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ховос» тиклаш поезда устаси, Сирдарё вилояти

Нарзуллаев Зуфар Гиясович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи

Шержонов Холмурот – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Урганч темир йўл масофаси катта йўл устаси, Хоразм вилояти

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ
ОРДЕНИ БИЛАН**

Акбаров Усмонжон Джурабаевич – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қарши локомотив депоси тепловоз машинисти, Қашқадарё вилояти

Деваров Шариф Бабаевич – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Термиз минтақавий темир йўл узели тиклаш поезда бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Магазов Анвар Мелиевич – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Кўприк қурилиш трести» унитар корхонаси бошқарувчисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

(Давоми 2-саҳифада)

“Мен
чемпион
бўламан!”



ЎЗА сурати.

ОБУНА – 2015

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда кенг қўламда олиб борилаётган ислохотлардан, халқимизнинг бой маънавий мероси, анъаналари ва қадриятларини тарғиб этиш бора-

сидаги саъй-ҳаракатлардан изчил хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми?

Аграр соҳадаги қимматли тажрибалар, фидойи инсонларнинг ажойиб меҳнат муваффақиятлари, фан-техника, спорт ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ҳақида билишни истайсизми?

Сизни хориж деҳқончилигидаги ўзгаришлар қизиқтирадими?

2015 йил учун “Qishloq hayoti” газетасига обуна бўлсангиз, юқорида таъкидланган мавзулар билан доимий равишда танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Обуна газета таҳририяти, обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ: 144



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНING 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Мелибаев Бобирмирзо Мамиржанович – «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Андижон механика заводи» шўъба корхонаси директори, Андижон вилояти

Рахматуллаев Абдуллажон Мамажанович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Учқўрғон станцияси йўл таъмирловчиси, Наманган вилояти

Эгамназаров Абдусаттор Ниёзбоевич – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Жиззах темир йўл масофаси йўл таъмирловчиси, Жиззах вилояти

Юлдашев Мухаммад Эргашевич – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўқон локомотив депоси тепловоз машинисти, Фарғона вилояти

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаева Фируза Каримовна – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Ақбаров Адхамжон Абдуллаевич – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўқон темир йўл масофаси бошлиғи, Фарғона вилояти

Астанов Уткир Султанович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзтемирйўлконтейнер» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Данияров Мелибай Холикович – «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонасининг гидротехник иншоотлар

қурилиши дирекцияси техникаларни таъмирлаш устахонаси чилангари

Исматуллаев Шерзод Шухратуллаевич – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари

Каримова Фируза Фузаиловна – Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг ўқув ишлари бўйича проректори

Нурмухамедов Жаҳонгир Толаниддинович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қарши минтақавий темир йўл узели бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Рабинов Тошқуват Шодиярович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Самарқанд бремиз йўл масофаси кўприк қурилиш бригадаси устаси, Самарқанд вилояти

Реимов Парахат Базарбаевич – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўнғирот минтақавий темир йўл узели йўл таъмирловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сулайманов Мамуржон Мадаминович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг электр таъминоти маркази бошлиғи

Цой Гром Григорьевич – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Боштранслоиҳа» очиқ акциядорлик жамияти темир йўлларни лойиҳалаш бўлими бошлиғи

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Садиков Шухрат Махаматсидикович – «Ўзбекистон темир йўллари»

давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Азимов Раҳматжон Махмуджонович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзбекистон» локомотив депоси «Афросиёб» электропоезди машинисти, Тошкент вилояти

Закиров Абдукаҳор Раҳимбердиевич – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Тошкент йўловчи вагонлари қуриш ва таъмирлаш заводи» очиқ акциядорлик жамияти чилангари, Тошкент шаҳри

Мирзакулов Ёдгор Турғунович – «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонаси механика-йиғув цехи тоқари, Тошкент шаҳри

Мирзахмедов Камолиддин Учқунович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Кўприк қурилиш трести» унитар корхонаси 13-кўприк қурилиш отряди бошлиғи, Тошкент шаҳри

Мухторов Зафар Сафарович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Бухоро алоқа ва ишорат масофаси катта электромеханиги, Бухоро вилояти

Рузиев Расулжон Санатиллаевич – «Ўзбекистон темир йўлла-

ри» давлат акциядорлик компаниясининг «Тоштемирйўллойиҳа» масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси

Рузимуратов Мавлиддин Назарович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Тинчлик» локомотив депоси тайёрлов цехи катта устаси, Навоий вилояти

Сапаев Абдишарип Каримович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Урганч алоқа ва ишорат масофаси электромеханиги, Хоразм вилояти

Сапарбаев Оралбай Кошмуратович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «1-энергомонтаж поезди» унитар корхонаси устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сондибоев Тохир Абдуғаниевич – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг махсус механизациялашган йўл станцияси бош муҳандиси

Усманов Гуламжон Якубжанович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Йўл-рефтранс» акциядорлик жамияти устаси, Сирдарё вилояти

Шайманов Абсаҳат Бозорович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Термиз темир йўл масофаси йўл таъмирловчиси, Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2014 йил 5 ноябрь

И.КАРИМОВ

»» 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кuni

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИ
ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасида кенг қўллади суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилди. Энг муҳими, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари акс этган, халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла жавоб берадиган миллий қонунчилик мустаҳкамланди ва у замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилмоқда.



Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 43-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари: амалиёт ва самарадорлик» мавзусида бўлиб ўтган семинарда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр юритилди. Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда сенаторлар, депутатлар, суд, прокуратура, ички ишлар идоралари масъул ходимлари, вазирликлар, олий ўқув юртлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенатининг

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Э.Рўзметов, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Бу мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмининг мустаҳкамланишига, аҳолига барча ҳуқуқларидан унумли фойдаланиши учун зарур шарт-шароит яратилишига кенг йўл очмоқда.

Суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати

ва таъсиридан чиқарилди. Дастлабки тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Касация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилди. Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Амнистия актини қўллаш тўлалигича судлар ваколатига берилди.

Прокурор ва адвокатнинг тенглиги, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятининг барча босқичларида тортишув тамойилига амал қилиш йўлга қўйилгани фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томо-

нидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ушбу йўналишдаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга замин яратди. Концепцияга мувофиқ 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда айбланувчинини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини суд тартибидан қўллаш, жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқини суднинг ваколатларидан чиқа-

риб ташлаш, ишни судда кўриш вақтида жиноят иши юзасидан айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокуратурага юклан назарда тутилган.

2012 йилда тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирлар ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлаш, қонунийликка риоя этилишининг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

2014 йил 5 сентябрда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига бир қатор ўзгартишлар киритилди. Жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини кафолатлашга хизмат қилади.

Семинарда кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасига оид қабул қилинган қонун ҳужжатлари моҳияти ва уларни амалиётга татбиқ этиш самаралари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири.

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ ВА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ



Тошкент шаҳрида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг III съезди бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши ижроия кўмитаси раиси С.Отамуродов, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари У.Муҳаммадиев ва бошқалар мамлакатимизда фуқароларнинг сиёсий партиялар орқали давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этаётгани, бу эса, ўз навбатида, уларда қатъий фуқаролик позициясини мустаҳкамлаётганини таъкидладилар. Съездда партиянинг 2009-2014 йиллар давомидаги фаолияти таҳлил қилинди. Шунингдек, келгуси режалар кенг муҳокама этилди.

Маълумки, партиянинг 2009 йилги сайловолди дастури ижроси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, маънавият, маданият, фан ва таълим соҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ушбу соҳалар ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамият-лидир. Бу борада сўз юритганда, кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятларимиз, анъаналаримиз, тарихий-маданий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда бойитиш, ёш авлод онгу шурида муқаддас Ватанимизга муҳаббат ва садоқат туйғуларини юксалтириш партиянинг доимий эътиборида эканини таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда партия томонидан хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш борасида кенг қам-



ровли ишлар амалга оширилмоқда. “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танлови, “Фаол аёллар — жамиятимиз таянчи” хотин-қизлар форуми ва “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир.

Съездда сўзга чиққанлар партия тузилмаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда муносиб иштирок этишини таъминлаш, сайловолди ташвиқотида фаоллик кўрсатиш, кузатувчи, ваколатли ва ишончли вакиллар билан ишлашни кучайтириш зарурлигини қайд этдилар.

Съезд давомида партиянинг сайловолди платформаси тасдиқланди. ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар маъқулланди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ – АСОСИЙ МЕЗОН



Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VIII курултойи бўлиб ўтди.



Курултойда партия томонидан ўтган беш йил давомида амалга оширилган ишлар яқунлари кўриб чиқилди. ЎзХДП Марказий кенгаши раиси Ҳ.Кетмонов, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари У.Вафоев, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор М.Тоиров ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини изчил рўёбга чиқаришда партия олдида турган устувор вазифалар ҳақида атрофлича тўхтадилар.

Қайд этиш жоизки, партия фаолияти аҳолининг қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Партия тузилмалари аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишда фуқароларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш, муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринларини ташкил этишга кўмаклашиб келмоқда. Бу борада ЎзХДП жамоатчилик қабулхоналарининг роли катта. Шунингдек, партия тузилмалари ҳудудларнинг санитария ҳолати, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кўплаб долзарб масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқда.

ЎзХДП томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган “Қасб-хунар коллежлари битирувчилари ташаббусларини мо-

лиявий қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш”, “Коллеждан — корхонага”, “Бугунги талаба — етакчи мутахассис”, “Маҳалла — аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш маркази”, “Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови”, “Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда жамоатчилик қабулхоналарининг роли” каби ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.


Курултойда партиянинг жорий йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштироки бўйича масала атрофлича муҳокама этилди. Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, ЎзХДПдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Партиянинг сайловолди платформаси тасдиқланиб, янги таҳрирдаги низоми қабул қилинди.

С.САЙДИСЛОМОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Бухоро Вилояти

БАШАРИЯТНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

Бухорода «Ибн Синонинг илмий-маънавий мероси — башарият учун бебаҳо хазина» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бошланди.



Таъкидлаш ўринлики, тадбирнинг айнан Бухорода ўтказилиши беҳиз эмас. Зеро, Ибн Сино шу заминда туғилиб, ўзининг чуқур билим ва салоҳияти, илмий ва амалий изланишлари билан жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган, буюк олим ва табиб даражасига етган. Унинг бой илмий мероси бугунги кунда ҳам замонавий тиббиётда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Анжуман шаҳар марказида янгидан қуриб, фойдаланишга топширилган фавворалар хиёбонининг очилиш маросими билан бошланди. Хиёбоннинг умумий майдони 6 гектарга тенг бўлиб, бу ерда мусиқа ва ранглар ижроси билан уйғунлашган 3 та йирик фаввора шаҳар ҳуснига ўзгача гўзаллик бахш этади. Иншоотнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсанов, Ибн Сино халқаро жамоат фонди бошқаруви раиси Шерзод Зокирхўжаев ва бошқа жамоатчилик вакиллари сўзга чиқиб хиёбон вилоятнинг қуруқ ва иссиқ iklim шароитида табиат мусафоллигини таъминлашда, шаҳар аҳолиси

ҳамда бу ерга ташриф буюрадиган сайёҳларнинг дам олиш вақтларини мазмунли ўтказишда муҳим аҳамият касб этишига алоҳида тўхталишди.

Тадбирнинг асосий қисми “Бухоро палас” меҳмонхонасининг мажлислар залида давом этди. Унда бир қатор халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиздаги тиббиёт соҳасининг етук олимлари, тиббиёт ходимлари ва талабалар иштирок этишди. Анжуман қатнашчилари ўз маърузаларида Ибн Синонинг олим ва табиб сифатидаги серқирра фаолияти, жаҳон тиббиёти, шарқ фалсафасига қўшган улкан ҳиссаси, серқирра ижоди, хусусан, унинг Марказий Осиёдаги илмий анъаналарни давом эттирган ҳолда, ўз таълимотида соғлом оила, соғлом турмуш тарзи, соғлом фарзанд тарбияси масалаларига алоҳида урғу берганлиги ҳамда тиббиётнинг бир қатор йўналишларида қилган илмий изланишлари ҳақида батафсил фикр юритдилар.

— Анжуманда Ибн Синонинг бой илмий мероси имкон

қадар кенг очиб берилгани талабаларимизда катта таассурот қолдирди, — дейди Бухоро давлат тиббиёт институти ўқитувчиси Олим Раҳматов. — Касалликларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида олимнинг қарашлари, Ибн Сино таълимоти ва замонавий ҳаёт, узоқ умр кўриш сирлари, унинг ижтимоий — фалсафий қарашлари каби мавзуларидаги маърузалар бўлажак мутахассисларда зўр қизиқиш уйғотди.

Тадбир иштирокчилари буюк аллома таваллуд топган Афсона қишлоғидаги тиббиёт коллежи ва билим даргоҳи қошидаги “Абу Али ибн Сино” номидаги музей ҳамда вилоят перинатал марказига ташриф буюрдилар. Мустақиллик йилларида бўлажак тиббиёт ходимларига берилаётган таълим, амалиёт жараёнлари, аҳолининг, хусусан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Ҳамроз АЛИ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Пойтахтимизда “ЕвроОсиё – Тошкент” биринчи Тошкент халқаро паррандачилик форуми бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, республика менежерлар ва “Паррандасаноат” уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур форумдан кўзланган асосий мақсад республикамизда паррандачилик саноатини жадал ривожлантириш, ушбу йўналишдаги хўжаликлар учун замонавий ускуна ва технологиялар, сифатли дори воситалари етказиб бериш, илғор тажрибаларни амалиётга кенг татбиқ этишдан иборатдир.

Форумда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга Хитой, Германия, Италия, Россия, Эрон, Голландия, Туркия сингари давлатларнинг кўплаб етакчи корхона ва компаниялари вакиллари иштирок этмоқда.

қайта ишлаш ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бораётганидан ҳам билишимиз мумкин. Ҳозирда мамлакатимизда кўп тармоқли фермер хўжаликлари сони 28 мингдан зиёдни ташкил этади. Уларнинг кўпчилигида паррандачилик фаолияти

ПАРРАНДАЧИЛИК РИВОЖИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

— Ички ва ташқи бозорда паррандачилик маҳсулотларига бўлган талаб тобора ошиб бораётган бир пайтда юртимизда мана шундай йирик тадбирнинг ташкил этилиши айни муддао бўлди, — дейди Қибрай туманидаги “Имкон бройлер” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анвар Яфаров. — Иш фаолиятимизни янада такомиллаштириш, соҳага оид энг сўнгги янгиликлардан бохабар бўлиш, замонавий, илғор технологиялардан кенг фойдаланиш имконига эга бўляпмиз.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда паррандачилик соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўларок, тармоқ бугунги кунда ҳар жиҳатдан ривожланиб бораёпти. Буни кўплаб истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани, паррандачилик маҳсулотлари етиштириш ва уни

ти йўлга қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли дастурхонига сифатли парҳез гўшт ва тухум маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмининг оширишга.

— Ўзбекистондаги паррандачилик корхоналари билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди Германиянинг “Биг Датчмен Интернациональ” компанияси вакили Виктор Галле. — Компаниямизда паррандачилик корхоналари учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларимиз Ўзбекистон бозоридан муносиб ўрин эгаллаган. Ушбу халқаро тадбир ўзбекистонлик соҳа вакиллари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларимизни янада кенгайтириш, янги-янги харидорлар топиш имконини бермоқда.

Раимкул СУЯРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Бухоро Вилояти



Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ҳамкорлигида Бухоро вилоятининг Бухоро ва Ғиждувон туманларида кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган ва тадбиркорликка мойил аёлларни хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида гуруҳ кафиллиги асосида кредитлаш ишларини ташкил этишга бағишланган семинар ташкил этилди.

ҲАМ ОИЛАГА, ҲАМ ЖАМИЯТГА НАФ КЕЛТИРАДИ



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

Уларда таъкидланганидек, мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган эътибор натижасида бугун жамиятимизда фаол ва тадбиркор аёллар сафи кенгайиб бормоқда. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ҳам ўзининг муносиб улушини қўшмоқда. Жумладан, жорий йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда қабул қилинган "Аёллар, ёшлар, хусусан, коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаш" қўшма иш режасига асосан гуруҳ кафиллиги асосида кичик кредитлар ажратиш белгилаб олинган эди.

Бухоро ва Ғиждувон туманларида ўтказилган тадбирнинг дастлабки босқичида қишлоқ аёлларининг имкониятларини кенгайтириш, эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўзаро ёрдам гуруҳлари тузилиб, 156 нафар қишлоқ аёллари қамраб олинди. Келгусида улардан 100 нафари танлаб олинди, 20 та гуруҳ ташкил этилади. Лойиҳанинг иккинчи босқичида гуруҳларга жамланган ҳар бир аёл ва гуруҳлар билан алоҳида мулоқотлар ўтказилади, бизнес-режалар тузиш механизмлари ўргатилади. Уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун имтиёзли сармоялар ажратилади.

– Банк мутахассисларининг аёллар билан учрашувлари, тавсиялари, энг муҳими, фоизи кам кредитлардан унумли фойдаланиш борасидаги фикрлари уларда тадбиркорликка бўлган қизиқишни орттирмоқда, – дейди тадбирда иштирок этган Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Тўйева. – Аёл тадбиркор бўлса, оилага ҳам, жамиятга ҳам наф келтиради. Жамиятимизда шундай хунарлар борки, уларни аёллар меҳнатисиз тасаввур этиш қийин. Дейлик, тикувчилик ёки каштачилик. Уни фақатгина аёллар эплаши мумкин. Бухорода яхшигина даромад келтирадиган ушбу хунарларни касбга айлантираётган — ҳам оилага, ҳам жамиятга фойда келтираётган аёллар кўп. Мазкур тадбирлар эса ана шундай ишбилармон аёллар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Анвар БОТИРОВ

Сурхонгарё Вилояти

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» МАДАДИ БИЛАН АМАЛГА ОШМОҚДА

Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз молия-банк тизими ликвидлигини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ жамоаси ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, миқдорларга қулайлик яратиб келмоқда, тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланмоқда. Буни мазкур молия муассасасининг Сароисиё филиали томонидан амалга оширилаётган ишларда ҳамда банк миқдорларининг эътирофида ҳам кўриш мумкин.



ЯҚИН ҲАМКОРИМИЗ

Айни пайтда юртимизнинг қай гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Кўркам, қулай, замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар, таълим муассасалари юртимиз жамолини яшнатмоқда.

Бунёдкорлик ишлари ўз навбатида қурилиш ашёларига бўлган талабни ҳам оширмоқда. Ана шу омилларни ҳисоб-китоб қилиб, тадбиркорлигимизни қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга йўналтирганмиз. Корхонамизда профнастил ва металлочерепица ишлаб чиқарилади.

Қишлоқларимизда амалга оширилаётган улкан қурилишларда

корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз билан оз бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан жуда хурсандмиз. Бу ишда бизни қўллаб-қувватлаётган «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Сароисиё филиалига миннатдорлик билдирамиз. Миннатдорлигимизнинг эса ўзига хос омили бор. Ушбу банк бизга доимий равишда молиявий қўмак бериб келмоқда.

ХАЙРЛИ ИШЛАРДА МАДАДКОР

Яқинда радио орқали берилаётган бир маълумот диққатимни тортди: Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида мамлакатимиздаги уй-жойлар қуриладиган янги қишлоқ массивларида 2014 йилга мўлжалланган 11000 та намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уйларнинг 10830 таси фойдаланишга топширилибди. Бу минглаб оилалар замонавий, шинам, кўркам уйларга кўчиб кирибди, деганидир.

Президентимиз ташаббуси билан 2009 йилда бошланган ва кенг кўлам касб этган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу йўналишда амалга оширилиши давом эттирилаётган махсус Давлат дастури қишлоқлар қиёфасини замонавий архитектура, саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш борасида аниқ мақсадли ишларнинг бажарилишига асос бўлмоқда.

Ана шундай улкан бунёдкорлик ишлари қурилиш ашёларига



Фарход АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

бўлган талабни ҳам ошириб юбормоқда. Қишлоқларимизда амалга оширилаётган бундай катта қурилишларда қатнашиш истагида биз ҳам қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган корхона ташкил этишни мақсад қилдик.

Мақсадимиз аниқ, бизнес-режаларимиз тайёр эдию, ишни бошлашда сармоя етмас эди. Ана шунда банк мададига суяндик. «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Сароисиё филиалига бизнес-режаларимиз билан муносабат қилдик. Уни кўриб чиққан банк мутахассислари амалий ёрдам берди. Банк томонидан жамиятимизга 3 йиллик муддатга 250 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Сармояга қум ва шағал ишлаб чи-

қариш технологияларини олиб келдик.

Банкимизнинг молиявий қўмагида қишлоқларимиздаги қурилиш майдончаларини қум ва шағал маҳсулотлари билан таъминлай бошладик. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иш ҳажминини ошириш натижасида яна 4 та янги иш ўрни яратилди.

Келгусида қурилиш маҳсулотларининг бошқа турларини ҳам ишлаб чиқаришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу мақсадимиз амалга ошишида ҳам банк молиявий мадад беришига ишонамиз.

Карим ТУРСУНҚУЛОВ,
«Сариосиё Сурхон Сифат Тош»
масъулияти чекланган
жамияти раҳбари.

Qishloq Qurilish Bank

Ўтган йили корхонамиз фаолиятини янада кенгайтиришни мақсад қилдик. Ушбу режамизни амалга ошириш мақсадида кредит олиш учун «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Сароисиё филиали ходимларига муносабат эътибор бердик. Банкнинг малакали ходимлари маслаҳатларини олиб, ўзимизнинг бизнес-режамизни ишлаб чиқдик. Банкда ҳужжатларимиз ўрганиб чиқилганидан кейин хусусий корхонамизга 5 йил муддат билан имтиёзли кредит ажратилди. 670 миллион сўмлик кредит маблағларини профнастил ва металлочерепица ишлаб чиқариш бўйича асбоб-ускуналари ҳамда хомашё сотиб олишга йўналтирдик.

Натижада корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажми янада ошди ва 25 нафар ходим, шу жумладан, 8 нафар коллеж битирувчиси янги иш ўрнига эга бўлди.

Умуман олганда, банк бизнинг яқин маслаҳатчимиз, яқин ҳамкоримиз, хайрли ишларда мададкоримиз. Мана оддий исботи: банк жамоаси бизни нафақат имтиёзли кредит бериш билан қўллаб-қувватлапти, балки ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, молиявий маблағларни бошқаришда маслаҳат бериш, лойиҳалар ишлаб чиқиш, маҳсулот маркетингини ташкил этишда ҳам қўмаклашмоқда.

Мадина БОБОЖОНОВА,
«Мантя Люкс» хусусий
корхонаси раҳбари.



ЙЎЛ ТЕКИС, МАШИНА ТЕЗКОР, ДЕМАНГ...

Жиззах шаҳридаги бош кўчани бола етаклаган аёл кесиб ўтаётган эди. Бирдан "Нексия" "учиб" келди. Қандайдир сантиметрлар кўнгилсиз ҳодисанинг содир бўлмаслигига сабаб бўлди. Машина чийиллаб тўхтади ва ундан ёшгина йигит тушиб, онани болохонадор қилиб сўка бошлади.

Кўркувдан қалтираб қолган жувон сўзлаш уёқда турсин, юра олмай қолганди. Уни йўлдан ўтказиб қўйдик. Аёлга автомобилни катта тезликда ҳайдаб, йўловчилар ҳаётини хавфга қўйганлиги ва сўкингани учун ҳайдовчи устидан шикоят қилишга ҳақли эканлигини маслаҳат бердик. Аммо кўркуви тарқамганиданми ёки ўзини айбдор санадими, шикоят қилмаслигини айтди.

Ачинарлиси, ҳайдовчи йигит ўзини муллоқ ҳақ, деб биларди. Шундай бўлмаганида, у ҳеч тортинмай йўловчини ҳақорат қилмаган бўларди.

Дарҳақиқат, бугун Жиззах шаҳри кўчаларига чиқсанг, машинаси бор одамнинг

ҳаммаси киракашлик қилаётими, дея ўйлай бошлайсан. Лицензиясиз йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланишнинг қонунга зид эканлиги ҳамманинг ёдидан кўтарилдимикин, деб ўйлаб қоласан киши.

Ҳа, киракашлик қилиб юрганларнинг аксарияти ёшлар эканлиги ва уларнинг етарли тажрибага эга эмаслиги ҳам бор гап. Ёшлик шижоати сабабми ёки йўл ҳаракати қоидаларини билишмайдими, "учар"лар истаган жойда тўхташади. Пиёдаларнинг йўлни кесиб ўтиш жойини тўсиб қўйишади. Энг қизиги, йўл бўйида туриб қолсанг, балога қоласан. Ишора қилмасанг ҳам тўхтаб, хизматларини таклиф қилавериш, "тўйдириб" юборишади. Йўл ёқасида

бош қашигани ҳам ҳайиқасан. Аммо йўловчидан пиёдага айланишинг билан хурматинг йўқолади. Пиёдалар учун мўлжалланган жойдан йўлни кесиб ўтишга уриниб кўринг-чи, ўнта машинадан биттаси тўхтармикан? Агарда ўша ўнтадан биттаси тўхта-са борми, орқасида қолган тўққизта машина сигнал чалиб, кулоқни тешиб юборай дейди. Уларга ҳайдовчининг пиёдани, қонунни хурмат қилиши ёқмайди. Ахир, сал нарида турган йўловчини бошқаси илиб кетиши мумкин-да. Ҳатто, қизил чирокда ҳам пиёдалар йўлагини кесиб ўтиш чизигича тезликни ошириб яқинлашадиганлар йўқ эмас.

Яна йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларига раҳмат дегингиз келади. Агар улар йўлларни тартибга солишмаганда, "отнинг қалласидек" жарималар бўлмаганида "учар"лар нималар қилишмасди?

Халқимизда хурмат қилсанг, хурмат топасан, деган нақл бор. Йўлни кесиб ўтаётган болали аёлга келсак, унинг ўрнига ўша ҳайдовчи ўз онаси, синглиси ёки турмуш ўртоғини, фарзандини қўйиб кўрсин эди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ

«101» ОГОҲЛАНТИРАДИ

НАЗОРАТ КЎРИГИ ДОИМО ЗАРУР

Йўлда кетаётган енгил машинадан тутун чиқа бошлади. Ҳайдовчи машинани тўхтатди ва олд капотни очди. Бирдан тутун аралаш аланга кўтарилди. Ҳайдовчи машинадаги ўт ўчириш воситасида ёнғинни ўчиришга киришди, аммо удалай олмади. Ўт ўчириш хизмати ходимлари етиб келиб, ёнғинни бартараф этди. Аниқланишича, бу ҳолат ҳайдовчининг бепарволиги оқибатида мотор симларидаги носозлик туфайли юзага келган.

Албатта, машина улов, қулайлик воситаси. Аммо унутмаслик керакки, у техника. Шу боис, уни эҳтиёт қилиш, техник қаровини мунтазам олиб бориш, энг муҳими, уни бошқариш жараёнида доимо ҳушёр бўлиш зарур. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, автомобилларда бўладиган ёнғинларнинг аксарияти электр симларининг носозлигидан келиб чиқади. Машинанинг техник кўрик муддати анча ўтган бўлса ёки назоратсиз турли қўшимча мосламалар ўрнатилса, унинг электр тизимлари қизиб кетиши натижасида қисқа туташув содир бўлиб, кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши муқаррар.

Маълумки, машинани ҳаракатлантирувчи асосий восита – ёнилғидир. У эса салгина бепарволик оқибатида дарҳол ёниб кетиши мумкин. Шу боис, ҳайдовчига қўйиладиган талаблардан бири – автоуловда доимо ўт ўчириш воситалари бўлиши шартдир. Бунга риоя қилмаслик нафақат йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш, балки ўзи ва мулкнинг қадрига етмаслик ҳамдир.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, ҳар бир ҳайдовчи автомашинасини махсус кўриқдан ўтказиб, электр ва ёнилғи тизимларини ўрнатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилса, машиналарда ёнғин ўчиргичлар олиб юриб, уларни ишлатиш қоидасини мукамал билса, бундай офатларнинг олди олинган бўлар эди.

Айдос БАЙРБЕКОВ,
10-ХҲО 20-ХҲҚ инспектори, сержант.



ҲАМ ЮРАДИ, ҲАМ УЧАДИ

Яқинда Австриянинг Вена шаҳрида бўлиб ўтган «Pioneers Festival» инновациялар фестивалида Словакиянинг автокомпанияси ҳам учадиган, ҳам юрадиган автомобиль – Aeromobil 3.0 ни намойиш этди.

Машина ерда соатига 160 километр, ҳавода эса 200 километргега тезликда ҳаракатланади. У бир соатда 15 литр бензин сарф қилади. Ишлаб чиқувчиларнинг айтишича, аэромобиль парвоз хавфсизлиги учун зарур бўлган барча воситалар билан жиҳозланган.

Компания ушбу ихтиро тез орада серияли равишда ишлаб чиқарила бошланишига умид қилмоқда.



ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



ИЖАРА БИТИМИ ҚАНДАЙ ТАСДИҚЛАНАДИ?



Автомобил воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ битимларни тасдиқлашда нотариус қандай ҳужжатларни талаб қилади?

Автомобил воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ битимларни тасдиқлашда нотариус қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

- мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат, яъни транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси (нусахаси қолдирилиб, асли қайтариб берилади);

- автомобил воситасини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги ҳақидаги маълумот;

- автомобил воситасини умумий биргаликда мулк бўлган тақдирда (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки), барча эгаларининг (эр-хотиннинг) розилиги;

- тарафларнинг туман давлат солиқ хизмати органидан берилган идентификация рақами (СТИР);

- давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси, квитанция).



Автомобил воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ битимларни тасдиқлангандан кейин ДИҲХХ органларида ҳисобга қўйилиши шартми? Агар қўйилиши шарт бўлса, қанча муддат мобайнида?

Автомобил воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ битимлар тасдиқлангандан кейин ДИҲХХ органларида ҳисобга қўйилиши шарт. Бу тўғрисида шартнома матнида ва тасдиқловчи ёзувда шартнома нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида ДИҲХХ органларида ҳисобга қўйилиши кераклиги кўрсатилиши лозим. Бунда шартнома матнининг якуний қисмида ва тасдиқловчи ёзувда "Ушбу шартнома ИИВнинг тегишли ДИҲХХ органларида ўн кун ичида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилиши шарт. Маъмур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади", деб ёзиб қўйилади.

Саволларга Шеробод тумани 2-сонли ДНИ нотариуси А.УСМОНОВ жавоб берди.

Қашқадарё Вилояти

Бугун бозорларимизга кирган кишининг дили қувониб, куз саховатидан ниҳоятда мамнун бўлиб, қўли қадоқ деҳқонларимиз, боғбону соҳибкорларнинг меҳнатига таҳсин айтиши, шубҳасиз. Қанчалар меҳнатсевар-а, улар. Халқимиз дастурхони тўкин бўлсин, деб тиним билишмайди.

Бизнинг-ку кўларимиз ўрганган. Бозорлардаги сархил мева ва полиз экинларини кўрган чет элликлар эса лол қолаётганликлари турган гап. Ҳа, заминимиз сахий, ўз ҳалол меҳнати билан унинг бойлик тўла сандигини очаётган деҳқону боғбонларимизга ҳар қанча ташаккурлар оз.

Бозорлар эл фаровонлиги рамзи. Уларда халқимизнинг бугунги ҳаёти, дастурхони тўкинлиги акс этиб туради. Хорижликлар ана шу мўл-кўллик, маъмурчиликка боқиб, халқимиз эришаётган ютуқларга баҳо берадилар. Нафақат баҳо беради, балки мамлакатимизга келиб, ютуқларимиз, тажрибаларимизни ўрганиптилар. Мақтансақ, арзийди. Аслида ҳам биз деҳқончилик, боғдорчилик, сабзавотчиликдагина эмас, бутун ҳаёт тарзимиздан ўрнак оладиган халқимиз. Бозорларимиз қиёфасининг ўзгариши эса қурилиш, ободончилик майдонига айланган ишларимизнинг бир кичик бўлаги. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу ҳақда озмунча фармонлар, қарорлар, ҳужжатлар қабул қилиндими, ахир!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ана шу ғамхўрликларнинг бири. Унга мувофиқ, вилоятда бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг ҳудудидаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш, яхшилаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилади.

Аввало, шунини таъкидлаш лозимки, қарор ижросини таъминлашда ундан кўзланган асосий мақсад-моҳиятни



аҳолига тўла етказиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам, жойларда бунга алоҳида эътибор қаратиляпти. Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан шаҳар ва туман ҳудудларида график асосида семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Бу борада республика ҳамда ҳудудий оммавий ахборот воситаларида ҳам унумли фойдаланилмоқдаки, бу қутилаётган натижаларга эришишда ўз самарасини бераётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган назорат режа асосида вилоятдаги барча чорва моллари бозорлари хатловдан ўтказилди. Алоҳида юридик шахс сифатида фаолият юритиб келаётган 16 та мол бозори ҳудудлардаги деҳқон бозорларига филиал этиб би-

риктирилди.

Вилоятда жами 49 та юридик шахс мақомидаги бозорлар ва уларнинг 78 та филиали ҳамда 24 та савдо мажмуаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида белгиланган умумий тушумлар режаси 106,1 фоизга бажарилди. Бу йил банкларга 2013 йилнинг мос даврига нисбатан 2257,9 миллион сўм нақд

бозорлар ва савдо комплексларида мунтазам равишда хронометражлар ўтказилиши натижасида тушумлар миқдорининг ошишига эришилаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида бозорларда 103 маротаба ана шундай тадбир ўтказилди. Натижада тушумлар миқдори 325,8 миллион сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган ҳафтанинг мос кунларига нисбатан 99,7 миллион сўмга оши-

до мажмуалари, тадбиркорлик субъектларида 484 та текширув ўтказилди ва кўпгина қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Хусусан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан 609,5 миллион сўмлик керакли ҳужжатларсиз, сифат-сертификати бўлмаган товарлар билан савдо амалга оширилган. Шундан 489,0 миллион сўмлик қисми импорт товарлари. Натижада қонун бузилишига йўл қўйган 12 та тадбиркорлик субъекти ва фуқароларга нисбатан жазо чоралари кўрилди. Жиноят аломатлари мавжуд бўлган 6 та ҳужжат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди, уларнинг тўрттасига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. 332 та маъмурий материални кўриб чиқиш жиноят ишлари бўйича туман ёки шаҳар судларига ҳавола қилинди. 4 та маъмурий материал эса вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга юборилди. 386 та тадбиркорлик субъекти мансабдор шахслари ва фуқароларга нисбатан 75849,3 минг сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида бозорлар бўлими томонидан ҳукумат қабул қилган қарорлар ижросининг таъминланишида йўл қўйилган камчиликлар сабаб бозор ва савдо комплексларининг раҳбар ва масъул ходимларига нисбатан жазо чоралари қўллаш учун туман ёки шаҳар ҳокимликларига 86 та тақдимнома киритилди. Унга кўра, 9 та бозор раҳбарига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Юқорида тилга олинган ютуқлар киши қалбига кўтаринчилик бағишласа, камчиликлар дилни хира қилади. Юртимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлида олиб борилаётган ишларга яқдиллик ва ҳалоллик билан киришсак, камчиликлар барҳам топиб, ҳаётимиз бунданда фаровон бўлаверади. Ҳалолликда гап кўп.

Ф.ЖАББОРОВ,
Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бош мутахассиси,
Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
журналист.

БАРАКА ҲАЛОЛЛИКДА

БОЗОРЛАРИМИЗ ҲАЁТИГА БИР НАЗАР

пул ортиқча жалб қилинди.

Шунингдек, ушбу давр учун белгиланган маҳаллий бюджетга тушумлар режаси 6161,9 миллион сўмга ёки 110,7 фоизга, биргина учинчи чорак давомида белгиланган умумий тушумлар режаси 116 фоизга адо этилди.

Маҳаллий бюджет тушумлар режаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 420,9 миллион сўмга оширилиб, 2072 миллион сўмга етказилди.

2013 йилнинг январь ойи ҳолатида бозор даромадларидан маҳаллий бюджетга 860,8 миллион сўмлик ортиқча тўловлар мавжуд бўлган бўлса, айна вақтда бу 228,3 миллион сўмни ташкил этади. Ортиқча тўловлар бўйича ҳар ойнинг 10-санасига қадар ҳисоботлар олиниб, мунтазам қисқариб борилишига эришилаётир.

Қашқадарё вилояти Давлат солиқ органлари томонидан

ридли. Жумладан, Қарши шаҳридаги «Нақшаб дарвозаси деҳқон бозори» МЧЖнинг мол бозори филиалида тушум ўтган ҳафтанинг шу кунига нисбатан 3,2 миллион сўмга, «Ихтисослаштирилган автомобиллар бозори» савдо комплексидан 4,4 миллион сўмга оширилди. Қарши туманидаги «Чим савдо йўли» бозори, «Манғит Карвон йўли», Чироқчи туманидаги «Чиял ғурурим», «Кўктош баракаси» деҳқон бозорларида ўтказилган хронометражлар ҳам ўз самарасини берди.

Ютуқлардан кўз юмиб бўлмайдими, аммо озгина бепарволик сабаб, камчилик ва хатоларга йўл қўяётганлар ҳам йўқ эмас. Кузатувларда эса бу нуқсонлар сезилиб қоляпти.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳудудлардаги бозорлар ва сав-

Эълонлар

«TURKISTAN REALTOR GROUP» МЧЖ ҚОНЛИҚҮЛ ТУМАНИ ФИЛИАЛИ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДАГИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдога Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш кўмитасининг 2014 йил 30 октябрдаги 136-п-сонли аукцион савдосига қайта чиқариш ҳақидаги буйруғи ва Қораўзақ тумани ҳокимининг 2014 йил 19 июлдаги 335/7-сонли қарорларига асосан Қораўзақ туманидан 12 (ўн икки) дона ер участкаси кўйилади:

– Қораўзақ тумани «№ 1-МФЙ» ҳудуди II-зонанан майдони 400 кв.м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 3-б, 4-б, 6-б, 8-б, 9-б, 11-б, 12-б, 13-б, 16-б, 18-б, 19-б, 21-б-сонли ер участкалари. **Бошланғич баҳоси 37 865 сўм.**

Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар:

– **юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

– **жисмоний шахслар учун** – паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда илова қилинган ишончнома.

Аукцион савдоси 2014 йил 9 декабрь куни соат 12:00 да Қораўзақ тумани ҳокимияти мажлислар залида ўтказилади. Мазкур ер участкалари юқорида белгиланган савдо кунидан сотилмаган тақдирда навбатдагиси 2015 йил 8 январь куни ўтказилади-ган савдога кўйилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

Юқоридаги ер участкалари билан Қораўзақ тумани Архитектура вакиллари билан жойига бориб та-

нишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9:00 дан 18:00 гача Нукус шаҳри А.Темур кўчаси № 22 уй 1-қават № 1 хонада қабул қилинади. Талабгорлардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдо ўтказилиш вақтидан 1 кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдода қатнашиш учун иштирокчилар савдо ташкилотчиси ҳисобрақамига ихтиёрий турда консалтинг ва маслаҳат хизматлари учун кўшимча тўловлар тўлайди, талабгорлар закат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўн ер участкаси бошланғич баҳосининг 100 фоиз миқдоридан закат пулини «Turkistan realtor group» МЧЖнинг ОАЖ «Асака банк» Қорақалпоғистон филиалидаги ҳисобрақамига (20208000904946163001, МФО: 00625, ИНН 302148414) тўлашлари шарт.

Веб сайт: www.turkistanrg.uz
Телефон: (0-361) 222-00-80.
Лицензия: RR-0100.

ДОВОДИМ ДО ВАШЕГО СВЕДЕНИЯ!

Общее уведомление о конкурсных торгах «о строительстве жилья для комплексного развития села 2015 года» опубликованные в газете «Кишлоқ ҳаёти» от 9 Октября за №120 и «Biznes daily» от 9 Октября 2014г за №115 считать аннулированным.

Приглашение № 2015 – 01, участвующие в конкурсных торгах инвестиционной программы «строительства жилья для комплексного развития села 2015 года» опубликованные в газете «Кишлоқ ҳаёти» от 10 Октября за №121 и «Biznes daily» от 10 Октября 2014г за №41-42 считать аннулированным.

Ташкент ш. Бектемир т. ТСРҮИ томонидан (реестр № 001234-02, 18.10.2012 й.) давлат рўйхатига олинган «QO'YUQ QO'G'OZ» МЧЖ (СТИР 302405878) жамият тасисчилари умумий йиғилишининг 28.10.2014 й.даги 3-сонли қарорига ҳамда 29.10.2014 й.даги № 3 сонли жамият буйруғига асосан тугатиш жараёнига киритилди. Давло талаблари 2 ой муддат ичида Ташкент ш. Бектемир т. Олтинтопан кўч. 14-уйда қабул қилинади.

Ташкент ш. Учтепа т. ТСРҮИда (04.12.2013 й., реестр № 006183-01) рўйхатдан ўтган «METIN KOM» ХК (ИНН 204368712) «METIN KOM» МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

Ташкент ш. ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турдаги ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти томонидан «TRUST BIZNES AVTO» МЧЖга давлат рақами 01587 ТТД бўлган COBALT GBA SPG учун берилган йўловчиларни шаҳарда енгил автомобилларда ташиш ҳуқуқини берувчи АТ № 0075812 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Sharf-Shirin» масъулияти чекланган жамияти (таъсисчисининг қарорига кўра) 2014 йил ноябрь ойидан «Manzur Sharf-Shirin» масъулияти чекланган жамиятига бирлашишини маълум қилади.

Ташкент ш. Учтепа т. ТСРҮИда (18.04.2014 й., реестр № 006455-01) қайта рўйхатдан ўтган «TAVAKKAL MEGA BIZNES» МЧЖ (ИНН 302768577) Устав фонди 40 000 000 сўмдан 20 000 000 сўмгача камайишини маълум қилади.

Ташкент ш. Яккасарой т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан рўйхатдан ўтган «SMART TECH TASHKENT» Хорижий сармояси иштирокидаги МЧЖ устав фонди 20 000 000 сўмдан 7 500 000 сўмга камайитирилишини маълум қилади. Тел.: (90) 909-00-19.

Ташкент шаҳар ҳокимининг ижроия маҳкамаси Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан «ONIKS-NH» МЧЖ номига Ташкент ш. Учтепа т. Чилонзор мавзеси 14 даҳада жойлашган бино учун берилган кадастр рақами: 1812738092 (14.04.2003 й.) кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташкент ш. Олмазор т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган «PREMIUM GOFRA» МЧЖ ташкилий ҳуқуқий шакли «PREMIUM GOFRA» ХКга ўзгаришини маълум қилади. «PREMIUM GOFRA» МЧЖ «PREMIUM GOFRA» ХКнинг ҳуқуқий во-рисиси ҳисобланади.



Қайнона ва келин улар икки томонми?

Лола ёшлигиданоқ илмга иштиёқи баланд, изланувчан қиз эди. Ҳар ҳолда ҳавойи, баландпарвоз, етиб бўлмас хомхаёллар билан эмас, қўл узатса етгулик орзулар билан ўсиб-улғайди. Катта бўлсам ўқитувчи бўламан, жажжи болажонларга сабоқ бераман, деб орзу қиларди доим. Мактабни тамомлаб, лицейга ҳужжат топширди. Кунт билан ўқиди. Бу орада ўзи ҳам улғайиб, кўзга яқин, истараси иссиқгина қизга айланди. Кўрганда ҳавасинг келадиган ҳусни, билими, яхши хулқи сабаб ҳали лицейни тугатмасданоқ, уни келин қилишга оғиз солганлар кўп бўлди.

Ота-онасининг рад жавобини беришига қарамасдан, келатган совчилардан баъзилари оёғини узиб кетишмади. Ўзига тўқ, бадавлат оиладан келган иккита аёлнинг ташрифи, ойисини ҳам иккилантириб қўйди. Аввалига келган совчиларни ўйлаб ўтирмасдан қайтараётган Гуландом опанинг фикри шу оилага келганда сал ўзгариб қолди. Бу сафаргилари бошқача. Дабдурустдан йўқ дейишга кўнгли бўлмади. Қизини сўраб келган оиланинг маҳалла-кўй олдидидаги обрў-этибори, хурмати, шунингдек, мол-давлати ҳам ҳавас қилса арзигулик эди. Рўзғоридидаги тўкинлик, кўша-кўша машина, уй-жойлари таърифини оғиздан бол томиб мактаётган бу аёлга Лоланинг онаси тайинли қилиб рад жавоб айта олмади.

– Билмасам, ҳали қизимиз-

ни турмушга бериш ниятимиз йўқ эди. Ҳозир лицейдаги имтиҳонлари тугаш арафасида, кейин олийгоҳда ўқишга ҳужжат топширмакчи, – дея олди холос.

Сўзлари нишонга тегаётганини пайқаган совчи аёл эса янада дадиллашди.

– Сиз ўқишининг гамини еманг, керак бўлса, битта эмас, иккита институтда ўқитишга қурбимиз етади, Лолaxon бизнинг оилада келин эмас, қиз бўлади.

Гуландом опа анчагача ўйланиб юрди. Шундай бой-бадавлат оилага қанда бўлиш ҳам кўпчилигининг орзу-ҳаваси, назарида булар олдидида қизининг хаёллари арзимасдек бўлиб туюлди. Бунинг устига рўзғордаги каму кўстдан ўзини тўлақонли бахтдан узоқ деб ўйлаб, қийноқда юрадиган бу аёл қизининг тўкин-сочин

оилада ҳаёт кечиршини тасаввур қилиб, ўзининг кемтик бахтини шу билан бутун кўргиси келди. Охири опанингилларига маслаҳат солди. Опа ҳам опа бўлиб сингилдан тушунчаси кўп ўзиб кетган эмасди.

– Қизинг ўқиб шаҳар обертарида? Эскиларда тенги чиқса текин бер, деган нақл бор. Бир умр мактабда дарс бериб юргандан кўра, кенг уйнинг келинчаги бўлиб ўтирсин. Ҳозир айна пайти. Ўқишга кирса кейин юради тўрт йиллаб, ўқийман деб. Бошқа бунақанги тагли-тугли оиладан совчи келадими, йўқми, буням Ҳудо билди, – дея сингилсини бошига кўнай деб турган бахт қушини қўлдан чиқармасликча чорлади опаси.

Қизига тўқис ҳаёт орзулаган она бир амаллаб отанинг ҳам кўнглига йўл топди.

Уйдаги гаплардан воқиф бўлиб юрган қиз аввалига бироз эсанкираб қолди. Лола қанчалик ақлли, билимли қиз бўлса, шунчалик содда ва самимий ҳам эди. Қизининг феъл-атворини яхши билган онасига уни кўндириш қийин бўлмади. Лола ҳар қанча уринмасин, ойисининг фикри ўзгармади. Ота-онасининг раъйига қарши чиқишга ўзида журъат, куч тополмади. Бу

орада икки томоннинг ўзаро келишуви асосида фотиҳа тўйи бўлиб ўтди. Икки қуда апоқ-чапоқ бўлиб, тўй ташвишларини бошлаб юборишди. Келин учун чет элга махсус келин кўйлак буюртма қилинди. Кўёв томоннинг тўйга тайёргарлигини кўрган Гуландом опа қизининг ўқиши ҳақида оғиз очишга ботинолмади. Айна тест синовлари бўладиган кунни шаҳарнинг машҳур тўйхоналаридан бирида дабдабали тўй бўлиб ўтди. Лола ота-онаси орзу қилгандек – маликалардай чиройли келин бўлди.

Аввалига келинлик ташвишлари, тўкин, фаровон оила бекачилигини ҳис қилиш тўйғулари Лоланинг кўнглидаги армонларини сал юмшатгандай бўлди. Уй юмушлари билан ўзини чалғитди. Югуриб-елиб оила хизматларини қилди. Чақонлиги, хушмуомалалиги боис, хонадон эгаларининг кўнглидан жой олди. Кейинги йил қабул пайти яқинлашганда Лола қизли бўлди. Жажжигина чақалоқни ташлаб ўқишга кетишининг табиийки иложи йўқ. Бир томонда келинлик бурчи, бир томонда оналик масъулияти унинг қалбидидаги талаба бўлиш иштиёқини секин-секин сўндира бошлади. Тўйдан олдин “битта эмас, иккита институтда ўқитишга қурбим етади”, деб кўкрак кертган қайнона ҳам бу мавзуда бир мартагина, кўнгли учун бўлса-да гап очмади. Гуландом опа баъзида ҳадди сиғиб бу ҳақда гап бошлади дегунча, “Қизингизнинг егани олдидида, емагани кетида бўлса, ҳеч ким унга пул топ демаяпти, яна нима керак сизга?” деб унинг ҳам популини пасаитириб қўярди. Ойисидида ҳам, Лоланинг ўзидида ҳам олийгоҳ ҳақидаги орзулар вақт ўтган сайин хира тортиб борар эди. Секин-секин тақдирга тан беришгача бориб ҳам қолганди. Аммо... Бу орада Лоладан икки ёш кичик қайинсинглиси коллежни тугатди. Зарурат бўлмаса ўқишга ҳожат йўқ, деб ҳисоблайдиган қайнонасининг фикри қизининг тақдирига келганда бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Фақат вақтини ўтказиш учун коллежга бориб келиб, уни тугатган қизини институтда ўқитиш учун жонжаҳди билан киришди, бунинг учун ўзини, асабини, маблагини асло аямади. Бу мақсадда ҳатто келинининг билими-

дан “самарали” фойдаланди. Яъни ҳар гал қизининг имтиҳонлари яқинлашган пайтда қайнонасининг Лолага бўлган этибори ошиб, муомаласи ўзгариб қоларди.

– Келин, сиз нима бўлган-дям уйдасиз, бекорчи вақтин-гиз кўп. Қайинсингил ҳам сиз учун сингил ҳисоби. Устозларининг топшириқларини бажаришга улгурмаяпти. Шунинг учун ўзингиз ёрдам бериб турунг, – дерди доим.

Аслида дарсларни тайёрлашга қайинсинглисининг вақти эмас, билими етмаслигини Лола яхши биларди. Бу пайтда унинг қалбидан ўчиб бораётган орзулари ўкинч бўлиб қайта кўзгалар, бунинг учун кимни айблашни билмай қийналарди.

Шундай кунларнинг бирида қайинсинглисига совчилар келди. Қайнонасининг уларга берган жавоби Лоланинг қалбидидаги бу оила аъзолари, хусусан, қайнонасига бўлган оқибат туйғуларини вайрон қилди. Нима эмиш, қайнонаси қизини ўқиши тугамасдан олдин узатмас эмиш, кейин ҳам ишлатадиган оилага узатармиш. Бировнинг хизматини қилгандан кўра, ишлаб юрган маъқулмиш. Бу гап Гуландом опанинг ҳам қулоғига етмай қолмади...

Шу воқеани ҳикоя қилишни бошлабманки, нима деб хулоса яшаш ҳақида ўйлайман. Тўғриси, воқеликни сўзлаш ёки ёзиб қўйиш осон. Хўш, кейинчи? Хулоса жуда қийин. Кўп ўйладим, турли хил хулосалар ёздим. Лекин ўқувчига ҳавола қилишга азм қилолмадим. Нима деб хулоса ярасам ҳам бир томоннинг тарафдорини, иккинчи томоннинг эса “рақибини” бўлиб ўзимни тасаввур қилавердим. Ҳа, томонлар дедимми, яна қаранг – икки томон... Шу сўз туйғули нима-лардир миямда ёруғлашаётгандек... Ҳа, ҳа, томонлар, яъни икки томон... Балки қудаларнинг икки томон бўлишидадир ҳамма гап. Ахир икки томон (бу ибора ҳаётда рақиблар маъносига тенг) қандай қилиб бир-бирига меҳр қўя олади. Шу топда билган ҳақиқатим – қайнона-келин икки томон эмас, бир томон бўлсагина, тўғрироғи, қайнона ҳовлисига ёр-ёр айтиб, “ўз қизимдек бўлади” деб ваъда бериб, олиб келган келинни ўз томонида кўрсагина...

Инобат МАТЁҚУБОВА

Реклама ва эълонлар

Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.



Гарантия Лизинг

Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.

Тел.: (99895) 170-08-50.

Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь




Тел.: (99895) 199-31-66, (99893) 504-58-09

Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.



Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.

Тел.: (99895) 170-32-52, (99893) 377-13-95

Ташкент ш. Чилонзор т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган "ISOMIDDIN BIZNES" МЧЖнинг (таъсисчилар йиғилиш баённомасига асосан) устав жамғармаси 7 548 385 сўмдан 4 400 000 сўмга камайтирилади.

Ташкент ш. Бектемир т. ТСРҮИ томонидан (08.02.2013 й., реестр № 000999-02) рўйхатга олинган "VANOVIJON-ABDULLON" оилавий корхонаси (СТПР 301880488) ўз-ўзини тугатиш жараёнида эканлигини маълум қилди. Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда Бектемир т. Чекарой кўч. 10-уй манзилида қабул қилинади.

Ташкент ш. Чилонзор т.да рўйхатга олинган "FOTON NEFT SAVDO" МЧЖнинг Устав фонди камайтирилади ва 318 960 000 сўм деб белгиланади. Тел.: +99890 973-03-69.

Ташкент ш. Яққасарой т. ТСРҮИ томонидан (реестр № 002515-11, 01.08.2006 й.) рўйхатдан ўтган "MEGASTEELIMPEXTRADE" МЧЖ (ИНН 206740834) таъсисчисининг 04.11.2014 й.даги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий тугатилади. Кредиторларнинг талаблари уч ой муддат ичида қўриб чиқилади. Тел.: 281-55-35, 281-50-10. Манзил: Ташкент ш. Яққасарой т. Глинка кўч. 14/7.

Ташкент ш. М.Улуғбек т. ҳокимлиги ТСРҮИ томонидан (25.05.2010 й., реестр № 004624-03) "LART DE LA CUISING" МЧЖ номига берилган № 004624 сонли Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Гувоҳномаси ва устави йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан "JOMY TRANS SERVIS" МЧЖ номига берилган қуйидаги лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

АТ	1358820	26.11.2013	03.11.2014	МПГ	ППС 9674	01 1166 AA
АТ	1358819	26.11.2013	03.11.2014	МПГ	КАМАЗ 5410	01 К 579 KA
АТ	1322240	20.08.2013	19.08.2014	МПГ	Даймлер крайслер 954.03	01 P 830 QA
АТ	1224775	11.02.2013	10.02.2014	МПГ	КАМАЗ 5410	01 Z 975 LA
АТ	1224774	11.02.2013	10.02.2014	МПГ	МАЗ 9380	01 4151 AA
АТ	1224773	11.02.2013	10.02.2014	МПГ	КАМАЗ 54112	01 Y 986 OA
АТ	1206971	18.12.2012	17.12.2013	МПГ	ОДАЗ 9370	01 1164 AA
АТ	1206970	18.12.2012	17.12.2013	МПГ	ОДАЗ 9370	01 1163 AA
АТ	1023073	05.12.2011	04.12.2012	МПГ	ОДАЗ 9370	01 1163 AA
АТ	1023072	05.12.2011	04.12.2012	МПГ	ОДАЗ 9370	01 1164 AA

Ташкент ш. Ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан Бектемир т.да рўйхатга олинган қуйидаги корхоналар тугатилади.

№	1. "TOP TRANS SERVIS" МЧЖ	10.09.2014	10-1406/14838
2.	"SHOXNURBEK-TOURS" МЧЖ	10.09.2014	10-1406/14839
3.	"MUSA BIZNES SAVDO" МЧЖ	10.09.2014	10-1406/14840
4.	"GOLD MEDIA FOOD" МЧЖ	10.09.2014	10-1406/14841
5.	"BEKTEMR MEGA SERVIS" ХК	10.09.2014	10-1406/14842

Ўқоридида қайд этилган корхоналарнинг думалоқ муҳри ва бурчак тамгалари бекор қилинади. Кредиторларнинг давволари эълон босилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Кредиторлар давволари учун манзил: Ташкент ш. Бектемир т. Х.Бойқаро кўч. 2-уй. Тел.: 295-02-80.

"Ташкент шаҳар ер тузиш ва кўмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан Ташкент ш. Миробод т. Т.Шевченко кўч. 21-уй манзилида жойлашган "Асака" банки (ОАЖ) автотранспорт филиали номига савдо ва маийш хизмат кўрсатиш мажмуаси учун 09.07.2010 й.да берилган № 11-310/2009 реестр рақамли бино, № 10110102010212 реестр рақамли ер кадастр ҳужжатлари ва ТА № 0825672 серияли бино ҳамда О'У № 216248 серияли ер кадастр Гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Яқка тартибдаги тadbиркор Шведчиков Артём Вячеславовичга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



БАХАЙБАТ КУШХЎР ЎРГИМЧАК

Амазонканинг тропик ўрмонларида энтомолог Петр Наскрецки томонидан бахайбат ўргимчак топилди.

Терафоза Блонда синфига кирувчи бу бахайбат кушхўр ўргимчакнинг олд оёқларининг узунлиги 30 сантиметрга етади, умумий оғирлиги эса 2 килограммгача бўлиши мумкин.



КАТТА ҚУЛОҚЛАРНИНГ ФЙДАСИ

Виржиния университети биологари 14 та Намибия филларига кузатиш мосламасини ўрнатишди ва уларнинг ҳаракатларини кузатиб боришди.

Бу билан улар филлар нима учун ҳеч қандай сабабсиз миграция йўналишини ўзгартиришларини аниқлашмоқчи эди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, филларнинг эшитиш қобилиятлари ўта кучли. Жониворлар ёмғир бошланишини олдиндан билади. Яъни улар ёмғир овозини 200-240 километр узоқликдан эшитишади.



ФОТОФАКТ

ТОШКЕНТ ОЛМАХОНЛАРИ



Сўнги бир неча йиллардан бери Тошкент хиёбонларининг шундай «эгалари» бор – олмахонлар. Уларни шаҳар марказидаги хиёбон ва боғларда, қуюқ дарахтзорлар олдида кўриш – одатий ҳолга айланди. Баъзан эса кутилмаганда «Пахтакор» метро бекати олдидаги олмахонга мос бўлмаган дарахтлар устида ҳам уларни кўриб, ҳайратга тушасиз.

© Хасан Пирмухамедов / kish.uz

ФАРЗАНД ҚЎНГИРОҚҚА ЖАВОБ БЕРИШГА МАЖБУР

АҚШнинг Хьюстон шаҳрида истиқомат қилувчи Шэрон Стендифирд ўғлининг қўнги-роқларга жавоб бермаслигидан чарчади. Шундан сўнг, аёл бир гуруҳ дастурчиларни топди ва уларга ўғлининг телефонини қулфга тушириб қўювчи дастурни яраттирди.

Дастур талабларига кўра, агарда бола қўнгироққа жавоб бермаса, қурилма автоматик равишда қулфланади ва ундан умуман фойдаланиб бўлмайди.

— Мен Брэдлини ҳеч телефонга вақтида келишга мажбур қилолмадим, — дейди Шэрон Стендифирд. — У қўнги-роққа жавоб бермагач, хаёлимга ҳар хил ўйлар келарди. Шундан сўнг, мен бунга қарши чора кўришни мақсад қилдим.

Шундай қилиб, Ignore No More дас-



тури пайдо бўлди. Уни боланинг телефонида жойлагач, фарзанд агарда қўнгироққа жавоб бермаса, унинг телефондан фойдаланиши мумкин бўлмай қолади. Агарда телефон қулфланиб қолса, бола фақатгина онасига ёки тез ёрдам хизматида қўнгироқ қила олади. Фарзандлар ота-онасига қўнгироқ қилганидан сўнг, уларга махсус код юборилади.

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАР ЙЎЛАКЧАСИ




Хитойнинг Чунцин шаҳрида телефонда гаплашиш муаммосига эътибор қаратилди.

Ростдан ҳам телефон орқали суҳбат эътиборнинг бир қисмини чалғитади. Шу сабабли Чунцинда одам гавжум жойда алоҳида телефон орқали гаплашиш мумкин бўлган пиёдалар

йўлакчалари пайдо бўлди. Йўлакчаларда шундай ёзувларни кўриш мумкин: «Мобиль телефонлар. Бу йўлакчада сайр қилиш жуда катта кўркув ва таваккал».

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР



Инсон организми биз хаёлимизга ҳам сиғдира олмайдиган гаражага ҳайратларга тўла

Юрак танадан ташқарида ҳам уриши мумкин.

Юрак инсон танасидаги уриш босими билан қонни 10 метргача сачратиши мумкин.

Киприкда ҳақиқий қисқичлар яшайди.

Ўртамиёна одамда танасидаги хужайралардан 10 марта кўпроқ бактерия яшайди.

Агар танадаги барча қон томирлари бирлаштирилса, у билан ер шарини икки марта айлантириб ўраш мумкин.

Инсон оғзида ер юзидаги одамлардан кўпроқ бактериялар яшайди.

Одам қизариб кетганда ошқозони ҳам қизаради.

Баъзи гурраларда ҳам тиш ва сочлар ўсиши мумкин.

Кечкурун ётганингизда бўйингиз эрталаб турганингиздагига қараганда калтароқ бўлади.

Инсон 30 ёшдан сўнг ҳар ўн йилда 1-1.5 см. чўкиб боради.

Одам танаси нур тарқатади, аммо буни оддий кўз билан кўриб бўлмайди.

Инсонларда ҳам тананинг баъзи аъзоларини ўчириш имконияти бор.

Қайғу, бахт ёки пиёз сабаб оқадиган кўз ёшларнинг таркиби ҳар хил бўлади.

Аёлларнинг мияси ҳомиладорлик пайтида кичрайдиган. Ярим йилдан кейингина аввалги ҳолига қайтади.

Янги туғилган чақалоқларнинг суяклари катта одамларга қараганда кўпроқ бўлади.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзбек қорақўли» компанияси ҳамда Қашқадарё вилояти «Қорақўл» бирлашмаси жамоалари ушбу компаниянинг бўлим бошлиғи Неъмат Жумақуловга падари бузруквори **Мамат ЖУМАҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агрисаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шухрат ТЕШАЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдивахоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИКОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).



ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 310-06-99; Навоий — (+99891) 332-00-88; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99893) 994-57-08; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

**Реклама
ва
эълонлар:**

236-26-50,
233-28-04.



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир:

Ж.ЭШНИЁЗОВ

Мусаҳҳих:

Ҳ.АБДУҒАНИЕВ

Дизайнер:

Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-11019,
ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида
босилди, қоғоз
бичими А-3.

Манзилимиз:
100000, Тошкент,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.05
15955 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахририятнинг
ўзида компьютерда
терилди ва
саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида босилди.
Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5